
ДАЛА ҲОВЛИСИДА ҚИМОР ҲИНИ ҲНАШГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРГАНГА ЖАЗО ТАИИЛАНДИ

Қимор ва бошқа таваккалчиликка асосланган бошқа Ҳинларни ташкил этиш ва унда иштирок этиш қонун билан таъқиб қилинади. Қимор сўзини эшитганда беихтиёр одамда сесканиш пайдо бўлади. Бу Ҳинни нафақат ижтимоий хавфлилиги, балки бу Ҳин оқибатида кўплаб нохушликлар содир бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун, ҳам қонунда бу фаолият учун расман маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қува туман суди томонидан 2022 йил 7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддаси 1-қисми (қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа Ҳинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай Ҳинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш) билан Эргашов Неъмат Тулановичга нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳолатига кўра, 2022 йил 29 март куни Тошлоқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида судланувчи Н.Эргашов Тошлоқ тумани, Қанжирға МФЙ, Лолазор кўчасидаги ўзининг дала ҳовлисида қонунга хилоф равишда қимор Ҳинини ташкил этиб, фуқаролар Д.Розиков, Т.Дадажонов, А.Мирзақандов ва Т.Абдурахимовларга Ҳин картаси орқали таваккалчиликка асосланган қимор Ҳини Ҳинашларига шароит яратиб бергани аниқланиб, қиморга тикилган 880.000 сўм пуллар ва 9 дона қутидаги Ҳини карталари ашёвий далил тариқасида олинган.

Мазкур жиноят иши 2022 йил 7 июнь куни жиноят ишлари бўйича Қува туман суди томонидан мазмунан кўриб чиқилиб, Эргашов Неъмат Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди унга ЖК 57-моддасини қўллаб, 4 йилга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шунингдек ашёвий далил сифатида олинган 880.000 сўм пуллар давлат фойдасига мусодара қилишни ва 9 дона Ҳин карталари йўқ қилиш белгиланди.

С.Исроилов

**Жиноят ишлари бўйича
Қува тумани судининг
судья ёрдамчиси**

2022-06-27 10:43:49